

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 393-ҳадис

393 - *[The text in this block is extremely faint and mostly illegible, appearing to be a transcription of a hadith.]*

1. 393. Анасдан розияллоху анху ривоят қилинади.

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг хузурларида бир киши ўтирган эди. Унинг олдидан бир одам ўтиб қолди. Шунда у: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен мана бу кишини (Аллоҳ учун) яхши кўраман», деди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам унга: **«Буни унга билдирганмисан?»** дедилар. «Йўқ», деган эди, **«Билдириб қўй»**, дедилар. У унинг ортидан етиб бориб, «Мен сени Аллоҳ учун яхши кўраман», деди. Шунда у: «Мени яхши кўришингга сабабчи бўлган Зот сени ҳам яхши кўрсин», деди».

Абу Довуд ривояти.

Манба: hadis.islom.uz

